20 — A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 79 (79), 2020 йил 9 май, шанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган байрам — фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни муносабати билан бир-бирларини табриклаб, мамлакатларимиз фахрийлари ва биродар халқларига тинчлик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тиладилар.

Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш мақсадида чегараолди ҳудудларда яқин ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жабр кўрган туманларда аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва инфратузилмани тиклаш бўйича қилинадиган биринчи навбатдаги ишлар ҳақида келишиб олинди.

Президентлар коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни ҳам кўриб чиқдилар. Пандемияга қарши кураш, аҳоли ва бизнес учун чекловларни босқичма-босқич юмшатиш борасида мамлакатларимизда кўрилаётган чоралар қўллаб-қувватланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни тез фурсатларда амалга ошириш, жумладан, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, транспорт ва логистика, бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мулоқот якунида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган кенг қўламли Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

ЎзА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Жанггоҳларда жонини аямай, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, Ғалабага эришган ота-боболаримизнинг жасорати ва қаҳрамонлиги биродар халқларимизнинг миннатдор хотирасида мангу қолиши алоҳида қайд этилди.

Мулоқотда чегараолди ҳудудларда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Аҳолига зарур ёрдам кўрсатиш, инфратузилма ва коммуникацияларни қайта тиклаш борасида биргаликда амалга оширилаётган биринчи навбатдаги тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарали кечаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш ва даволашда ваколатли идораларнинг яқиндан мувофиқлашуви ва ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Пандемиянинг салбий оқибатлари таъсирини камайтириш мақсадида амалий ҳамкорликнинг янги лойиҳалари ва йўналишларини ишлаб чиқишда икки мамлакат бош вазирлари раҳбарлигидаги қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг муҳим роль ўйнаши таъкидланди.

Шунингдек, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари келаётган байрам — фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларига самимий табрик ва тилаклар билдирдилар. Биродар халқларимизнинг Буюк Ғалабага эришишда беқиёс ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда икки томонлама савдо муносабатлари жадал ривожланаётгани, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш кооперацияси кенгайиб бораётгани, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги мулоқотлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳасидаги алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Эришилган келишувларни амалга ошириш ва шерикликнинг янги йўналишларини илгари суриш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро комиссия доирасидаги учрашувларни, жумладан, видеоанжуманлар шаклида давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар пандемия билан боғлиқ икки мамлакатдаги вазиятни муҳокама қилдилар ҳамда коронавирус тарқалишига қарши курашда алоқадор идораларга яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликни таъминлаш бўйича топшириқ бердилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама қўшма тадбир ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

Муносабат

ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институти директори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча эълон қилинган "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори биз, математиклар ва, умуман, илм-маърифат аҳли учун катта аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Ваҳоланки, бундай қарорнинг қабул қилиниши табиий равишда кутилган эди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилнинг сўнгги кунлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари билан учрашиб, фан ва таълим олдида турган вазифаларни ўртага ташлаган ва илм-фан соҳасига эътиборни кучайтириш тўғрисида топшириқлар берган, академия ҳақида биринчи фармонни имзолаган эди. Ушанда ҳаммамизда фанимиз келажаги ҳақида катта умид пайдо бўлганди. Ўтган уч йил шуни кўрсатдики, амалиётда бу умидлар кутилгандан ҳам кўпроқ ва юқори даражада оқланмоқда.

Давоми 2-бетда

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

"СЕВГИ БИЛАН ҒОЛИБМАН ҲАР ОН!"



9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами арафасида маърифатпарвар халқимиз учун яна бир муносиб туҳфа тайёрланди. Ватанимиз ва халқимизнинг фидойи фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидовнинг "Севги билан ғолибман ҳар он!" номли шеърий китоби нашрдан чиқди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши кўпчилик қатори ёш журналист ва шоир Шароф Рашидовни ҳам ўз гирдобига тортди. У қонли уруш бошланиши билан биринчилар сафида фронтга отланиб, энг оловли нуқталарда жанг қилди. Фронтда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун икки бор жанговар "Қизил юлдуз" ордени билан тақдирланди.

У қаттол ёвга қарши бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан курашди, шу йилларда уруш мавзусида ўнлаб ўтли шеърларини яратди.

Шоирнинг жанггоҳлардан туриб, ўз суюкли ёрига, оқила ва мунис рафиқаси Хурсаной Рашидовага бағишлаб ёзган соф инсоний севги ва садоқат туйғуларини мадҳ этувчи шеърларига ҳам китобдан кенг ўрин берилган.

Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланган мазкур тўпламдан шоирнинг ўқувчиларга яхши таниш бўлган, қўшиқларга айланиб, қалбларимизга кириб борган шеърлари билан бирга, унинг ижодий архивидан топилган, ҳали эълон қилинмаган ижод намуналари ҳам жой олгани аҳамиятлидир.

Ўз халқининг номини улуғлаб яшаган, элюрт манфаати учун жонини фидо этган буюк ва беназир инсон, халқимиз бугун муносиб иззат-ҳурмат билан хотирлаётган ардоқли адибимизнинг янги китоби ўқувчиларни мамнун этади, деган умиддамиз.

ЎзА

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ТОПШИРИҒИГА БИНОАН ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ВА СЕКТОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЁШЛАР МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ, АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Мазкур йўналишда ҳар бир ҳудудда "МАНЗИЛЛИ РЕЖА" ВА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ишлаб чиқилиб, маҳаллий кенгашлар сессиялари қарорлари билан тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида мамлакатимиз бўйича жорий йилнинг май ойига қадар жами 117 минг нафардан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди.

Ёшларнинг тадбиркорликка оид 9 МИНГ 157 ЛОЙИҲАСИ учун тижорат банклари 357,5 МЛРД. СЎМЛИК имтиёзли кредитлар ажратди.

"ҲАР БИР ЁШГА – БИР ГЕКТАР" лойиҳаси доирасида 15 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЁШЛАРГА 29,3 МИНГ ГЕКТАР ЕР АЖРАТИЛДИ.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида қарийб 40 МИНГ 70 НАФАР ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА 17 МИНГ 520 НАФАРДАН ОРТИҚ,

жамоатчилик ишларида 22 МИНГ 550 НАФАРДАН КЎПРОҚ,

қурилиш соҳасида 5 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД,

бошқа соҳа ва йўналишларда 29 МИНГ 800 НАФАРДАН ОРТИҚ, шу жумладан, вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар тизимларида 16 МИНГ 297 НАФАР ЁШЛАР ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ.

Шулар қаторида 2 МИНГ 61 НАФАР ЁШ ТУРЛИ КАСБЛАРГА ҚАЙТА ЎҚИТИЛДИ.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 10 МИНГ 223 МИНГ НАФАР ИШСИЗ ФАРЗАНДЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН 266 ТА ИШЛАБ чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. Мазкур кооперативларга аъзолик бадаллари учун 28,5 МЛРД. сўм субсидия ажратилди.

Халқ қабулхоналари, ҳудудий секторлар раҳбарлари ёрдамида кооперативлар томонидан қир-адир ва чўл ҳудудлардаги ерларда 1 МИНГ 922 МИНГ ГЕКТАР қўриқ очилди, экинзор ҳисобидан чиқарилган 5 МИНГ 368,3 ГЕКТАР ЕР ҚАЙТА ЭКИН МАЙДОНЛАРИГА ҚЎШИЛДИ.

ЯНГИ ОЧИЛГАН ВА ҚАЙТА ЭКИНЗОРГА АЙЛАНТИРИЛГАН ЕРЛАРНИ СУҒОРИШ МАҚСАДИДА

139 ТА ҚУДУҚ ҚАЗИЛДИ;
122 ТА СУВ НАСОСИ ЎРНАТИЛДИ;
38 ТА НАСОС ТАЪМИРЛАНДИ;

20 ТА ДРЕНЕЖ ҚУРИЛДИ;
2 ТА ДРЕНАЖ ТАЪМИРЛАНДИ;
95 КМ. СУВ НОВЛАРИ ЯНГИДАН ТОРТИЛДИ;



42 КМ. ҚИСМИ ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛДИ;
224 КМ. КАНАЛ ВА АРИҚЛАР ТОЗАЛАНДИ.

Долзарб мавзу

КЛАСТЕР, КООПЕРАЦИЯ, УРУҒЧИЛИК ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ

картошка етиштиришни янги босқичга олиб чиқади

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда ўтган йили қарийб 3 миллион тонна картошка етиштирилгани ҳолда 150 минг тонна импорт қилинган. Бу маҳсулотнинг истеъмол ҳажми ва нархига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади, албатта.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Шундан келиб чиқиб, картошканинг турли иқлим шароитларига чидамли, юқори навли уруғликларини яратиш, қолаверса, экин майдонларини янада кенгайтириш ва шулар орқали импорт ҳажмини камайтириш куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Зеро, картошка дастурхонимиздаги "иккинчи нон" ҳисобланади ва унга бўлган талаб йил сайин ортиб боряпти.

Президентимизнинг жорий йил 6 майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида мазкур маҳсулотни етиштиришдаги муҳим жараёнларни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, унга бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондиришнинг устувор вазифалари ўз ифодасини топган.

Давоми 2-бетда

Ватанимиз олдида мураккаб муаммолар турган даврда бундай қарорнинг қабул қилиниши Президентимизнинг халқимиз илмий салоҳиятини, ёшларнинг истиқболини ўйлаб иш тутишидан далолат беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 9 май, 79-сон

Муносабат

ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТГА ЮКСАК ЭЪТИБОР



Бошланиши 1-бетда

Ўтган даврда мамлакатимизда илм-фан ва таълимни замонавий талабларга жавоб берадиган даражага олиб чиқишга қаратилган бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Фанлар академияси институтлари, таянч докторантура (аспирантура) ва фалсафа доктори (фан номзоди) илмий даражаси тикланди. Янги олий таълим муассасалари, хорижий университетлар филиаллари очилди. Ёшларимизни чет эл илмий марказларига юбориш учун фондлар ташкил қилинди. Олимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг маоши сезиларли даражада оширилди. Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти учун янги замонавий бино барпо этилди.

Илм-фан ва таълим соҳаларига қаратилаётган юксак эътибор нафақат мамлакатимиз, балки дунё илмий ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор, биринчи навбатда, таълимнинг барча босқичларида математика таълими сифатини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, бу масалага ёндашишда математик олимлар, айниқса, Математика институтининг масъулияти ва ваколатига катта эътибор берилган.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Фанлар академияси В.И. Романовский номидаги Математика институтининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилади. Уларнинг илмий-тадқиқот ишлари институтнинг иш режаси ва илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилади. Ҳудудий бўлинмалар таркибида ўқув марказлари фаолият юритади. Бундан ташқари, институт таркибида Математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш лабораторияси ташкил қилинади.

Математика соҳаси бўйича олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро илмий-амалий тадбирлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида институт ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилинади. Ушбу жамғарма ҳисобидан математика йўналишида таълим олаётган талабалар ва тадқиқотчилар учун академик Т.А.Саримсоқов номидаги стипендия жорий этилади.

Соҳадаги фундаментал ва илмий-амалий изланишлар натижаларига кўра, амалиётдаги муайян муаммонинг ечимини таклиф этган олимларни мукофотлаш мақсадида Президентимизнинг Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди. У билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланади. Мукофот икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг таклифига кўра, учта йўналиш (фундаментал соҳадаги тадқиқот, ёшлар ўртасидаги тадқиқот ва иқтисодиётнинг реал секторидаги муаммонинг ечимини таъминлаган тадқиқот) бўйича берилади.

Институт ҳузурида математика ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашга тўла мустақиллик берилди. Энди у изланувчининг диссертацияларини илмий кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиш тартиби, унга тегишли илмий даражани бериш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади. Илмий кенгаш изланувчига диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган куннинг ўзида давлат намунасидаги илмий даража бўйича тегишли дипломни бериш ваколатига эга.

Бу ва бошқа имкониятлар, математика фани барча фанлар учун асос эканини эътироф этган ҳолда, таълимнинг ҳамма босқичларида математика фанини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, педагогларнинг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш ва амалий аҳамиятини ошириш, бу соҳада халқаро ҳамжамият билан алоқаларни мустаҳкамлаш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган.

Ватанимиз олдида мураккаб муаммолар турган даврда бундай қарорнинг қабул қилиниши Президентимизнинг халқимиз илмий салоҳиятини, ёшларнинг истиқболини ўйлаб иш тутишидан далолат беради. Биз, олимлар бундай юксак ғамхўрликка муносиб бўлиб, билдирилган ишончни оқлашимиз шарт.

КЛАСТЕР, КООПЕРАЦИЯ, УРУҒЧИЛИК ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ

Долзарб мавзу

картошка етиштиришни янги босқичга олиб чиқади

Бошланиши 1-бетда

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

— Мазкур қарор асосида картошка етиштиришга ихтисослаштириладиган 40 та туман, шу жумладан, уруғликка — 23 та, шундан 9 тасида супер элита ва элита уруғлик картошкалари етиштиришга ихтисослаштириладиган 39 та ҳудуд танлаб олинди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчилик бўлими бошлиғи Акмал Мирзаев. — Аҳолини картошка билан тўла таъминлаш учун маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида эртаки экинлардан ва ғалладан бўшайдиган майдонларга, аҳоли томорқа ерларига, боғ-ток қатор ораларидаги майдонларга картошка экишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, такрорий майдонларни 50 минг гектарга етказиш бўйича фермер, қишлоқ хўжаликлари ва маҳаллалар кесимида қўшимча таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Картошкачилик соҳасида охирги йилларда юқори ҳосилдорликка эришиб келаётган ҳудудларда картошка экишни кенгайтириш бўйича олиб борилган изланишлар Самарқанд, Тошкент, Наманган, Андижон, Жиззах, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида ҳосилдорлик даражаси юқори эканини кўрсатмоқда. Шунинг учун айнан мана шу ҳудудларда картошка майдонлари кенгайтирилади. 2020 йилда республика бўйича асосий ва ғалладан бўшайдиган ҳамда томорқа хўжаликларида жами 130 минг гектар майдонда 2,9 миллион тоннага яқин картошка етиштириш прогноз кўрсаткичлари белгилаб олинган.

Қарорда қайд этилганидек, картошкачиликка ихтисослаштириладиган туманлардаги кластер ва кооперациялар инновацион ва ресурс тежамкор технологиялар асосида яхлит майдонларда истеъмол ва уруғлик картошка етиштириши ҳамда соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиши зарур. Уруғлик картошканинг супер элита ва элита авлодларини етиштиришни кенгайтириш, уруғликлар тайёрлаш ҳамда замонавий картошка плантацияларини барпо этиш, экин майдонининг камида 50 фоизида уруғлик картошканинг супер элита ва (ёки) элита авлодларини етиштиришни йўлга қўйиш каби йўналишлар ҳам улар фаолиятининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга, республикада картошкачиликка ихтисослашган хўжаликларда илғор агротехнологияларни қўллаш ҳамда картошка плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларда ўқув-семинарлари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

"IN VITRO" ЛАБОРАТОРИЯСИ – ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ҳосилнинг унумли ва баракали бўлиши, энг аввало, уруғ навига боғлиқ. Уни ернинг ҳолати, ҳудуднинг иқлимига қараб танлаш зарур. Қарор асосида республикамизнинг бир нечта вилоятларида ташкил этиладиган "In vitro" лабораторияларида уруғликлар тайёрланиб, сабзавот ва полиз экинларининг юқори ҳосилдор, қурғоқчиликка, шўрланишга ва касалликларга чидамли, мева сифати юқори бўлган навлари ва дурагайлари яратилади.

— Картошка буғдой, шоли, чигитдан фарқли равишда вегетатив усулда кўпайтирилади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Биорганик кимё институти ҳужайра технологиялари лабораторияси мудири Элмурод Холмуродов. — Шунинг учун йилдан-йилга унинг ҳосилдорлик даражаси камайиб, уруғликни доимий янгилаб боришга эҳтиёж туғилади. Уруғ ерга қадалганлиги учун турли касалликларга чалиниши мумкин. Ҳосилдорликни ошириш эса биотехнологик усулларда патоген, вирусдан холи ҳужайра технологиясига асосланган картошка уруғлари етиштиришни тақозо этади.

"In vitro" лабораторияси республикамизда биринчилардан бўлиб Биорганик кимё институтида ташкил этилди ва бугунги кунда ноёб илмий объектлар сифатида картошканинг 150 дан ортиқ тури мавжуд. Бу навлар Халқаро картошкачилик маркази орқали назорат қилиб борилади.

Айтиш керакки, "In vitro" лабораториялари уруғлик картошканинг бошланғич категорияси, яъни бирламчи оригинал уруғлигини олишда асосий бўғин ҳисобланади. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида бу типдаги лабораториялар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳар бир ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда серҳосил навларни яратиш имконини беради. Қолаверса, бу истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришнинг илмий назарий асосларини такомиллаштириш, унинг янги ҳамда серҳосил навлари коллекциясини яратиш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш учун ҳам замин яратади. Мазкур қарорда белгиланганидек, Бўстонлиқ туманидаги "Сойлиқ" маҳалласи ва "Бурчмулло" давлат ўрмон хўжалигининг Пском массиви ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида юқори авлодли уруғлик картошка етиштириш кенг йўлга қўйилади.

СОҲАДАГИ РАҒБАТ ВА ИМТИЁЗЛАР

Бошқа соҳалар сингари картошка етиштиришда ҳам қатор имтиёз ва енгилликлар берилмоқда. Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан бошлаб картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун уларга 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади. 2023 йил 1 июлгача эса четдан олиб кирилаётган уруғлик картошкалари божхона божидан озод этилади.

Бирор соҳани ривожлантириш учун унинг илмий ўрганилишига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши замирида ана шу мақсадлар ётади. Сабаби, жамғарма маблағлари асосида сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик соҳасидаги илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш учун грантлар ажратиш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича тажриба-синов ва бошқа лойиҳаларини молиялаштириб, янги навларини яратган муаллифларни рағбатлантириб бориш кўзда тутилмоқда.

Муҳаммадамин НАСРИЕВ,
Кўқалдош ўрта махсус ислом билим юрти мудири

ЖАВОНМАРДЛИК – "САХОВАТ ВА КЎМАК"НИНГ АСОСИ

Хайрли амалларнинг савоблари кўпайтириб бериладиган муборак Рамазон ойида турибмиз. Синовли кунлар ортидан, албатта, яхши кунлар келади. Ҳозир эса сабр ва қаноатни маҳкам тутиб, муҳтожларга кўмак, мушкул вазиятга тушиб қолган оилаларга, қаровчисини йўқотган болаларга, кекса ва ногиронларга саховат кўрсатиш, ҳиммат камарини белга боғлаш пайти келди. Шундай бўляпти ҳам.

Айни муборак кунларда халқимиз вакилларининг саховат, меҳр-оқибат фазилатларини маёқ қилиб, хайрли ишларга бир-бирларини даъват этиб, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан иш тутаётганларига гувоҳ бўляпмиз. Муқаддас динимизда шахсий манфаатдан муҳтожлар манфаатини устун қўйиш фазилати улуғланади. Бу фазилат буюк аждодларимизнинг илмий даъвати ва шахсий намуналари билан Моваройнаҳр халқлари орасида юксак қадриятга айланиб улгурган.

Ўнинчи асрда ватанимиз ҳудудида муҳтож кишилар учун холис хизмат қилган, фақат яхшиликни ўйлаб, эзгулик улашишдан чарчамайдиган, борини ўзгалар билан баҳам кўрадиган кишиларни **жавонмард,** яъни **"мард йигит",** деб аташ, уларнинг эзгу қарашларини жавонмардлик ҳаракати деб улуғлаш урфга кирган. Айни кунларимизгача улардан бизга **"ҳашар"** удуми мерос бўлиб қолди.

Жавонмард кишилар маънавий ва жисмоний етукликка интилган, қаердаки бўлмасин, нима иш билан шуғулланмасин, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатган. Шу сабабли халқимиз орасидаги жавонмардларга ўзгача ҳавас қилиниб, улар ҳақида асарлар ёзилган.

Ўнинчи асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Ҳавқал ўзининг "Китоб ул-масолик ва ал-мамолик" ("Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб") номли асарида бундай ҳикоя қилади: "Моваройнаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, **гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандай.** Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади".

Ҳар бир одам саховат кўрсатиш, мусофирни сийлаш, камбағаллар, ғарибларга кўмак беришни шарафли бурч, одамийлик сифати деб қараган ва бу хислат аждодларимиз орасида оммавий тус олган эди.

Жавонмардлик нима? У:

— муҳтож ва мискинларга беғараз ва беминнат моддий ёрдам кўрсатиш;

— амалий иш, тадбир ва чора қўллаб, бошига мушкул тушган кишининг мушкулини осон қилиш, ҳожатини чиқариш;

— дардга чалинган кишиларни бепул даволаш, тиббий ёрдам кўрсатиш;

— қийин аҳволда қолган, йўлини йўқотганларга тўғри маслаҳат бериш, йўл топишга кўмаклашиш;

— ота-онасиз гўдаклар, етимларни парвариш қилиш, тарбиялаш;

— мусофирлар, меҳмонлар ҳурматини жойига қўйиш, уларни ҳар жиҳатдан хурсанд қилиш;

— қалб қўри билан ёшларга илм бериш, одамларга ўз ҳунари, илми ва касбини қизғанмасдан ўргатиш;

— қийин руҳий аҳволга тушганларни меҳрибонлик, раҳм-шафқат билан парваришлаб, ҳаётга қайтариш;

— силаи раҳмга амал қилиш. Яъни қариндош-уруғ, ота-она ва фарзандлар аҳволидан хабар олиб туриш, уларни севиш ва муҳтож бўлсалар, ёрдамни аямаслик;

— устозлар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг орқасидан ёмон гап гапирмаслик, шаъну шарафи, номусини ҳимоя қилиш;

— ўз миллати, эл-улуси манфаати, шарафини муҳофаза қилиш, Ватан хавф остида қолганда, барча истеъдоди, молу жонини сарфлаб бўлса-да, унинг мустақиллиги, озодлигини сақлашга эришиш...

Мардлик, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик халқимиз қонига сингган қадриятдир. Жавонмард одамнинг **сўзи ҳам, иши ҳам, нияти ва фикрлари ҳам пок** бўлади. Кишиларимизнинг меҳмондўстлиги, одамохунлиги, мардлиги **аждодлар удумининг давоми**дир.

Яхшилик қилиш, бировнинг ҳожатини чиқаришдан яйраб кетадиган, борини бошқалар билан баҳам кўрадиган одамлар ҳозир ҳам жуда кўплигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Уларнинг ҳиммати, шарофати туфайли ҳаётимиз файзли ва баракалидир.

Ҳар биримиз "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида фаол бўлсак, ўзгалар ҳолидан хабар олсак, уларга кўмакчи бўлиб, ўз меҳримизни дариғ тутмасак, юртимиздаги файзу барака янада зиёда бўлади. Шундай экан, аждодларимиздан мерос жавонмардлик камарини белимизга маҳкам боғлаб, савобга шошилайлик. Шунда Яратганнинг ҳам, бандаларининг ҳам розилигини топамиз, иншооллоҳ!

ТОЖИКИСТОНГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, коронавирусга қарши курашда катта тажриба тўплаган 8 нафар шифокор навбатдаги инсонпарварлик ёрдами билан бирга 8 май куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрига жўнаб кетди.

Тиббиёт гуруҳи таркибида анестезиолог-реаниматолог, пульмонолог, эпидемиолог, инфекционист, вирусолог мутахассислар бор. Улар "COVID-19" инфекциясининг олдини олиш, назорат қилиш ва даволашни ташкил этишда тожикистонлик ҳамкасбларига яқиндан кўмаклашади.

Беғараз кўмак юки таркибида эса 10 та ўпкани сунъий вентиляция қилиш ускунаси, турли дори воситалари, тиббий ҳимоя кийимлари, қўлқоплар, респираторлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилиб, минтақа ва дунёдаги мавжуд эпидемиологик вазиятни муҳокама қилган эди. Икки давлат раҳбари бир-бирларини коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан мамлакатларимизда юзага келган ҳолатдан хабардор этиб, тангликни биргаликда бартараф этиш бўйича ҳамкорликка тайёрлигини билдирган эди.

Ўзбекистондан жўнатилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами ва тажрибали шифокорлардан иборат гуруҳ Тожикистонда коронавирусга қарши кураш ишларини самарали ташкил этишда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг амалий ифодаси бўлади.

ЎзА

Терак ва ғўзапоядан МДФ ва ДСП

Л.СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан импортталаб қурилиш материаллари ёки унинг муқобил шаклларини юртимизда ишлаб чиқариш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, йилдан-йилга талаб ортиб бораётган ёғоч-қириндили плиталар (ДСП) ҳамда уларнинг муқобил турларини тайёрлаш бўйича янги корхоналар ташкил этилаётир.

Ана шундай корхоналардан бири "Навоий" эркин иқтисодий зонасида ўз фаолиятини бошлади. "Zhong Tian" ХК МЧЖ томонидан терак ва ғўзапоядан МДФ ва ДСП ишлаб чиқариш йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасидан маълум қилишларича, лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллион АҚШ доллари бўлиб, унга Хитойнинг Hebei New Silk Road Import and Export Trade Co.Ltd. компанияси томонидан 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинган. Корхона йилига 30 минг квадрат метр МДФ ва ДСП ишлаб чиқариш қувватига эга.

Мазкур корхонани барпо этиш учун "Навоий" эркин иқтисодий зонасидан 4,4 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда асосий ишлаб чиқариш биноси ва қўшимча иншоотлар барпо этилди. Корхона замонавий энергия тежамкор технологиялар билан жиҳозланган. Эътиборлиси, лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда 70 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона йилига 10 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда маҳсулот экспорт қилиши режалаштирилган.

Транспорт соҳасида кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг янги модели бу соҳадаги кадрларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш электрон платформасини яратиш ва жорий этишни назарда тутади.

Қонун лойиҳаси

АҲОЛИ БАНДЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТИЗИМ ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Коронавирус пандемияси туфайли дунёда юзага келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият сайёрамиз аҳолисининг нафақат саломатлиги, балки ҳаёт тарзига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида ишсизлар сони кун сайин кўпаймоқда. Ана шундай мураккаб шароитда глобал пандемиянинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини камайтириш, аҳолини тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, бандлигини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун лойиҳасида бугун кун тартибига кўтарилган бандлик, ишсизлик, аҳоли ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ устувор вазифаларни ҳал этишда бир қатор янги, самарали механизмлар кўзда тутилмоқда.
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудахон ХЎЖАЕВА билан суҳбатимиз айни шу мавзуга бағишланди.

— Мавлуда опа, суҳбатимизни мамлакатимиз меҳнат бозоридаги бугунги вазиятга оид маълумотлар билан бошласак.

— Сўнгги йилларда мамлакатимиз меҳнат бозорида муҳим ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробар, иш берувчилар сони 4,5 баробар ошди. Иш билан банд бўлган 13,5 мингдан зиёд фуқаронинг 42,2 фоизи расмий, 57,8 фоизи норасмий тармоқда фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 63 630 та янги иш ўрни яратилди.

Кейинги йилларда соҳага доир элликдан зиёд ҳуқуқий — меъёрий ҳужжат қабул қилиниб, уларда белгиланган муҳим тамойилларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида соҳанинг қонунчилик асослари йил сайин такомиллашиб бораётир. Депутатлар тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда ушбу йўналишда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғиб этиш баробарида ижросини мунтазам ўрганяпти. Жумладан, жорий йилда Бухоро ва Навоий вилоятларида назорат-таҳлил тартибида ўтказилган шундай ўрганишлар жараёнида ижобий ишлар билан бирга, соҳада ечимини кутиб турган қатор муаммолар борлиги аниқланди. Янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ана шундай муаммолар чуқур таҳлил этилди ва уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўриб чиқилди.

— Янги қонун лойиҳасида меҳнат муносабатлари соҳасида қандай янгича тамойиллар жорий этилиши кўзда тутиляпти?

— 1998 йилда қабул қилинган амалдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунда меҳнат бозорини тартибга солишнинг янги воситалари, хусусан, тадбиркорликни рағбатлантириш, ўзини ўзи банд қилиш, шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш ва ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш, иш стажини ҳисобга олишда янги ахборот тизимларидан фойдаланишга оид қоидалар назарда тутилмаган. Янги қонун лойиҳасида илгари мавжуд бўлмаган ана шундай бир қатор янги тушунчалар, жумладан, ўзини ўзи иш билан банд қилиш, "Ягона миллий меҳнат тизими" идороларарО дастурий-аппарат комплекси, касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими, малакани баҳолаш каби янгиликлар киритилмоқда.

Яна бир янгилик — меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашишга доир ишларни бажарувчи жисмоний шахслар — агентлар амалиётга киритилмоқда. Уларга ишсиз аҳолини ишга жойлаштиришда кўмаклашгани учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган миқдорда рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар амалга оширилади.

Эндиликда қонунчиликка аутстаффинг хизматлари деган тушунча ҳам кириб келмоқда. Аутстаффинг иш берувчи томонидан ўз ходимларини уларнинг розилиги билан бошқа юридик шахсга иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаларида, шунингдек, жамоа келишувларида белгиланган меҳнат вазифаларини бажариш учун вақтинчалик юбориш йўли билан кўрсатиладиган хизмат туридир. Бундай хизмат иш берувчи ва юридик шахс ўртасида тузилган шартнома асосида кўрсатилади. Бугунги кунда айрим ҳудудларда айнан шунга ўхшаш фаолият билан ноқонуний шуғулланаётган шахслар ҳам бор. Эндиликда улар фаолиятига чек қўйилади ва бу фаолият билан фақат юртимизда рўйхатдан ўтган юридик шахслар шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу, бир томондан, бандликни таъминлаш, иккинчи томондан, норасмий тармоқда банд бўлган аҳоли сонини оз миқдорда бўлса-да, камайтиришга хизмат қилади.

— Янги қонун лойиҳасида ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар учун қандай кўмак кўрсатиш назарда тутилган?

— Бундай шахсларга ишсизлик нафақаси тўланиши, меҳнат органлари йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу давр умумий меҳнат стажига қўшилиши белгиланмоқда. Шунингдек, ишсиз шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда шахсий томорқа ер участкаларини ривожлантиришга субсидиялар олиш имконияти кафолатланади.

Субсидиялар жисмоний шахсларга енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда, уруғликлар, кўчатлар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда, суғориш воситалари олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача миқдорда ажратилади. Субсидия олиш учун томорқа ер участкасининг эгаси маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади. Маҳаллий меҳнат органи ариза келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида томорқа ер участкасини кўздан кечириб далолатнома тузади, томорқада иш ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган шароит мавжудлиги ҳақидаги ахборотни текширади. Субсидия маҳаллий меҳнат органи, томорқа ер участкасининг эгаси ва томорқа ерлар учун моддий ресурсларни етказиб берувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида

ажратилади. Эътиборли жиҳати, ишсизлик нафақалари ва субсидиялар миқдори йил сайин оширилмоқда.

— Қонун лойиҳасида кўзда тутилган малакани баҳолаш марказлари фаолияти ҳақида ҳам қисқача маълумот берсангиз.

— Малакани баҳолаш марказлари мустақил юридик шахс ёки юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ташкил этилади. Унинг асосий вазифаси жисмоний шахсларнинг касбий малака, билим ва кўникмаларини баҳолашдир. Бу хизмат нима учун керак, деган савол пайдо бўлиши табиий. Жамиятнинг барча соҳасида янгича билим ва кўникмага эга малакали кадрлар ишлаб чиқариш ва турли соҳаларни ривожлантиришда ҳал қилувчи ўрин тутади. Мутахассислар шундай салоҳиятга эга экани эса баҳолаш тизимлари орқали аниқланади.

Малакани баҳолаш марказлари ана шу йўналишда иш берувчиларга яқин кўмакчи бўлади. Улар талабгорларга малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш қоидалари ҳамда тартиб-таомиллари тўғрисида зарур ахборот тақдим этади, малака, билим ва кўникмаларни баҳолашни ташкил этади ҳамда ишчиларга малака разрядини, мутахассисларга малака тоифасини бериш бўйича имтиҳон ва синов ўтказиш орқали уларни касбий стандартлар талабларига мувофиқлиги жиҳатидан баҳолашдан ўтказади.

Шу билан бирга, малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради, малака паспортини беради. Бу хусусдаги маълумотларни миллий реестрга киритади.

— Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи қонун лойиҳасида қандай акс эттирилган?

— Мазкур ҳужжатнинг алоҳида бобида бу масалалар тўлиқ ёритилган. Унга кўра, фуқароларимиз хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил тарзда иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фуқароларга бу борада тегишли тартибда кўмак беради. Жумладан, хорижга чиқиб кетаётган фуқароларга темир йўл чипталари, авиачипталар харид қилишда ва бошқа транспорт-логистика масалаларини ҳал этишда кўмаклашади. Шунингдек, хорижда ишга жойлашиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, шу жумладан, хорижда ишлашга мослаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга чет тилларни, ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўргатиш ҳам мазкур агентлик зиммасига юклатилган.

Шу билан бирга, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган юртдошларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш масалалари ҳам эътиборда. Бу ишлар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа муассасалар томонидан амалга оширилади.

Меҳнат органлари хорижда вақтинча ишлаб қайтган юртдошларимизни хорижда олган касбий малака ва билимларини ҳисобга олган ҳолда, ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

— Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳолати қандай ва келгусида бу йўналишда қандай янгиликлар кутилмоқда?

— Замонавий ахборот технологиялари жамиятнинг барча соҳаларида бўлганидек, меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам муҳим натижаларга замин яратади. Жумладан, вақт, меҳнат, қувват ҳамда моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади. Шу боис, янги қонун лойиҳасида бу масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, "Ягона миллий меҳнат тизими" идороларарО дастурий-аппарат комплекси ишга туширилиши белгиланди. Бу тизим иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уни бекор қилиш жараёнларини электрон тарзда амалга оширишга имкон яратади. Шунинг қаторида, иш берувчиларнинг тузилмаси (штат жадвали), мавжуд ва ташкил этиладиган иш ўринлари, меҳнат ва ҳақ тўлаш шартларига доир электрон маълумотлар базаси шакллантирилади. Бу тизим яратилса, меҳнат бозори кўрсаткичларининг ҳолати тўғрисидаги ахборотлар билан электрон тарзда мунтазам танишиб бориш имконияти юзага келади, энг асосийси, шаффофлик таъминланади.

Шунингдек, унда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни онлайн рўйхатдан ўтказиш, меҳнат миграцияси тўғрисидаги келишувга асосан, хорижда ишга жойлаштирилган фуқаролар ҳақида маълумотлар базасини яратиш, меҳнат бозорининг ишчи кучига бўлган талаби ва таклифнинг ривожланиш прогнозларини шакллантириш каби масалалар жамланади.

Бир сўз билан айтганда, янги қонун лойиҳаси меҳнат муносабатлари соҳасида бугунги кунда жамиятимиз олдида турган кўплаб долзарб вазифаларни самарали ҳал этишга пухта ҳуқуқий асос яратади.

Айни пайтда қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан уч ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.

Транспорт

ТАРАҚҚИЁТ ЕТУК ВА ТАЖРИБАЛИ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИГА БОҒЛИҚ

Маъруфжон РАСУЛОВ,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори, профессор

Мамлакатимизда кейинги йилларда транспорт ва транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш ва соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 4 майда қабул қилинган "Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар ривожида муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялар факультети бирлаштирилиб Тошкент давлат транспорт университети ташкил этилиши транспорт соҳасида таълимни ривожлантириш ишларини тизимлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу қарор транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича ягона сиёсатни белгилаб бериш билан бир қаторда ўқув-педагогик жараёнига инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда, таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб боришда университет салоҳияти ва бу борада дунё тажрибасидан самарали фойдаланиш имконини берди.

Тошкент давлат транспорт университетида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 1-курс таълим йўналишлари учун таълимнинг кредит-модуль тизими жорий этилади. 2024 йилга бориб, барча курслар кредит-модуль тизими билан қамраб олинади.

Университет ректорининг стратегик ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига малакали хорижий мутахассис жалб қилиниши олий таълим тизимида анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, жаҳон тажрибасидаги илғор ечимлардан кенг фойдаланишга замин яратади. Шу билан бирга, етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, ўқув жараёнида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлашда янги истиқболларни очади.

Янги университетга таълим ва илм-фан фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ қатор вазифаларни амалга оширишда мустақил фаолият юритиш ҳуқуқи берилди. Жумладан, таълим йўналишларига ўзгартириш киритиш, ўқув режалари ва дастурларини, битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, "устоз-шогирд" тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш энди университетда олимлар ва мутахассислар иштирокида ташкил этиладиган махсус экспертлар кенгаши тавсиялари асосида амалга оширилади.

Олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг Scopus ва Web of Science каби маълумотлар базасига кирган халқаро илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатлари университет томонидан молиялаштирилади. Етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш, амалий машғулотлар ҳажмини оширишга эътибор кучаяди. Буларнинг барчаси таълим сифатини ошириш ва ўқув-тарбия, илмий ишларни халқаро андозалар даражасига кўтаришда муҳим имконият бўлади.

Ўқув жараёнларини ташкил этиш, ижтимоий фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида университет ҳудудида 2020-2022 йилларда янги ўқув биноси, талабалар турар жойи ва ахборот-ресурс маркази бинолари қурилиши белгиланди. Ўқувчилар орасида селекция ишларини ташкил этиш, интеллектуал қобилиятли ёшларни тайёрлаш учун университетнинг академик лицейи очилади.

Темир йўл транспорти, авиация таълим йўналишлари талабаларининг келгусида меҳнат фаолияти ва ўқув амалиёти инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ушбу йўналишларга ҳужжат топширувчи абитуриентлар учун ихтисослаштирилган тиббиёт комиссиясидан ўтиш тартиби сақлаб қолинди.

Университетда профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг меҳнат фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари (QPI) асосида баҳолаш бўйича рағбатлантириш механизми жорий этилади. Бу бевосита ҳар бир ходим, профессор-ўқитувчи учун энг муҳим мотивация бўлиб, таълимдаги самарадорликни таъминлаб беришга хизмат қилади.

Янги университетда келгусида таълим ва илмий тадқиқотлар жараёнида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам эътибор кучаяди. Жумладан, бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича "қўшма диплом", академик мобиллик ҳамда ёзги мактаблар бўйича интеграциялашган инновацион таълим дастурлари ташкил этилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Германия тажрибаси асосида ўқув жараёни ҳафтанинг муайян кунларида ўқув-амалиёт марказлари ва ишлаб чиқариш иншоотларида бўлиб ўтади. Шу билан бирга, етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик, қўшма илмий тадқиқотлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинуви ривожлантирилади.

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда Тошкент темир йўл муҳандислари институти ўттиздан ортиқ хорижий олий таълим муассасаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасаларининг халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларидан таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Янги университетда бу ззгу анъаналарни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш имконияти кенгаяди. Хусусан, чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда замонавий талабларга жавоб берадиган бакалавр ва магистрларни тайёрлаш бўйича қўшма дастурлар жорий этилади. Бу эса миллий олий транспорт таълим муассасаларининг халқаро ва Европа университетлари, шунингдек, транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш уюшмаларига қўшилишида муҳим аҳамият касб этади.

"Электрон университет" лойиҳаси таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этишнинг яққол кўриниши ҳисобланади. Мазкур лойиҳа таълимдаги барча жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутади. Яъни талабалар давомати, дарс жадвалини тузиш, журналлар юритиш ва бошқа турдаги ҳужжатлар айланиши, имтиҳон олиш ва унинг натижасини эълон қилиш, ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш ва рейтингини чиқариш, талабаларга маълумотнома бериш ва бошқа хизматлар кўрсатиш каби жараёнлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилади.

Транспорт соҳасида кадрларни тайёрлашга буюртма шакллантиришнинг янги модели бу соҳадаги кадрларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш электрон платформасини яратиш ва жорий этишни назарда тутади. Унда барча давлат ва нодавлат ташкилотларнинг жорий ва истиқболда транспорт соҳаси кадрларига бўлган эҳтиёжлари ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар кесимида таҳлил қилиш асосида шакллантирилади ва мамлакат миқёсида транспорт кадрлари тайёрлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш имконини беради. Бу орқали манфаатдор тузилмаларнинг транспорт соҳасидаги кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларини юқори малакали транспорт хизмати билан тизимли равишда таъминлаш имконияти яратилади.

Хулоса шуки, мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ижро этилиши келгусида хорижий тилларни мукаммал биладиган, ахборот технологияларини қўллай оладиган, миллий ва халқаро транспорт майдонида ўз ўрни ва салоҳиятига эга малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолияти орқали мамлакатимизнинг транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантиришда янги истиқболларни очади.

"AgroMart" — миллий ва халқаро тажрибага эга юқори малакали консультант ва экспертлар, иқтидорли IT-мутахассислар, ишига фидойи менежерлардан иборат лойиҳа гуруҳи бўлиб, унда аграр соҳанинг 13 та йўналиши бўйича 9 нафар мутахассис иш олиб боради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 9 май, 79-сон

Инновация

ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Фойдали қазилма конларини қидириб топиш ва уларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш геология соҳасининг долзарб масалаларидан бири

Акмал АСАДОВ,
Ерни масофадан зондлаш ва
ГАТ технологиялари маркази етакчи геологи,
геология-минералогия фанлари номзоди

Президентимиз томонидан жорий йил 27 апрель куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда геология-қидирув ишларида замонавий усулларни, масофавий зондлаш маълумотларини ҳамда ГАТ технологиялари (географик ахборот тизими)ни қўллаш давр талабига айлангани таъкидлаб ўтилди.

Президентимизнинг 2018 йил 1 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Ерни масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари маркази Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Минерал ресурслар институти таркибида қайта ташкил этилди. Геология-қидирув ишларида масофавий зондлаш маълумотларини босқичма-босқич татбиқ қилиш, фойдали қазилмага истиқболли майдонларни башорат хариталарини тузиш мақсадидаги космогеологик тадқиқотлар ўтказиш, дала геологик экспедицияларида олиб борилаётган дастлабки геология-қидирув ишлари учун космик суратлардан махсус дастурлар ёрдамида тузилган космогеологик хариталар билан таъминлаш марказнинг асосий фаолияти йўналишлари ҳисобланади.

Соҳа ривожига оид имзолаган бир қатор қарорларда тасдиқланган йўл хариталарига мувофиқ, Геология ва минерал ресурслар қўмитаси, жумладан, Минерал ресурслар институти томонидан чора-тадбирлар режаси, концепциялар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Уларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида бугунги кунда геология-қидирув ишларида масофавий зондлаш маълумотлари, уларга ишлов бериш дастурлари ҳамда ГАТ технологияларини татбиқ қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

ГАТ технологиялари нима учун керак?

Ҳозирги пайтда инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан, геологияга ҳам ахборотлаштириш жадал кириб келмоқда. ГАТ технологиялари турли мавзуда хариталар тузиш, уларни таҳлил қилиш ва башоратлашда янги, замонавий, самарали, қулай ва тезкор ёндашувни автоматлаштиради. Геологияда уларни қўллаш асосида масофавий зондлаш маълумотларига махсус дастурларда ишлов бериб олинган натижалар ётади.

Космик суратларда ер юзасининг рельефи тасвирланган бўлиб, унинг таҳлили натижасида геоморфологик, минералогик, гидрогеологик, геохимик, геофизик, тектоник, неотектоникага оид маълумотларни олиш мумкин. Изланишлар натижалари ва масофавий зондлаш маълумотлари муайян бир майдоннинг геологик тузилиши тўғрисидаги тасаввурларга аниқлик киритишда, қазилма бойликларнинг жойлашиш ва тарқалишини белгилашда, геологик вазиятни баҳолашда, фойдали қазилмаларга истиқболли майдонларни башоратлашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда юқори аниқликка эга бўлган космик суратлар рақамли кўринишда қабул қилинмоқда. Бу эса уларни замонавий компьютер технологиялари ва дастурлари ёрдамида қайта ишлаш имконини беради. Рақамли космик суратларни таҳлил қилишда уларга бошланғич ва тематик ишлов бериш керак. Бунинг учун махсус дастурлардан фойдаланилади. Булар ERDAS, ENVI, GEOMATICA дастурлари бўлиб, улар бутун дунёда кенг қўлланилади.

Дастурларнинг профессионал фаолиятдаги хизмати

ERDAS IMAGINE (АҚШ) дастури, асосан, масофадан зондлаш маълумотларига рақамли ишлов беришга мўлжалланган. У орқали космик суратларни географик жиҳатдан боғлаш, экранда кўриш, катта майдонни қоплаган космик суратларни мозаика қилиш бошланғич ва тематик қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳар хил картографик тасвирларни тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, растрли ва векторли маълумотларни бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиш ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда профессионал тарзда ишлаб чиқилган хариталарни яратиш мумкин. Унда космик суратларга рақамли ишлов беришнинг 100 дан ортиқ усули бўлиб, улар билан олинган маълумотлар геологияда ГАТ технологиялари асоси бўлиб хизмат қилади.

ENVI (АҚШ) масофадан зондлаш, муҳандислик, ер ҳақидаги фанлар, космик тадқиқотлар, нефть ва газ соҳаларида қўлланилади. Бу дастур рақамли космик суратларни визуализация қилиш, таҳлил ва тақдим этиш учун зарур воситалар, функцияларнинг энг тўлиқ тўпламини ўз ичига олади. Унинг ёрдамида мультиспектрал ва гиперспектрал космик суратларни геометрик ва радиометрик жиҳатдан коррекциялаш, катта ҳажмдаги растр ва вектор форматларини кўтара олиш, космик суратларни интерфаол равишда ўрганиб чиқиш, интерфаол рақамлаш ва таснифлаш, радио диапазонидаги тасвирларни таҳлил қилиш ва бошқа бир қанча амалларни бажариш мумкин. ENVI дастурида ҳозирги вақтда орбитада бўлган ер ресурсларини ўрганувчи жуда кўп сунъий йўлдошлар, жумладан, Landsat, Aster, Sentinel, Worldview, Quickbird ва бошқалардан олинган маълумотларга комплекс ишлов бериш имкони мавжуд. Бу эса олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

Масофавий зондлаш маълумотлари билан ишлаш имконини берадиган яна бир дастур GEOMATICA (Канада) бўлиб, у Ерни масофадан зондлаш маълумотларини фотограмметрик қайта ишлаш ва уларни кейинчалик картографияда, ГАТ лойиҳаларида, интернет нашрларида ва бошқа иловаларда фойдаланишга тайёрлашда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, турли мазмундаги геологик хариталар, дала ишлари натижалари, ер юзасининг 3D моделлари ва бошқа маълумотлар Global mapper ва Arcgis каби махсус ГАТ дастурларида таҳлил қилинади. Таҳлил натижасида янги мазмундаги, масофавий зондлаш маълумотларига асосланган хариталар — космоструктуралар, линеаментлар, геологик тузилмалар, тоғ жинслари, ер юзининг ҳарорат хариталари, турли фойдали қазилмаларга башорат хариталари, ер юзасининг 3D моделлари, турли геологик ҳосилалар, тузилманинг ва фойдали қазилмалар тарқалишининг зичлик хариталари ва бошқа турдаги геологик хариталар тузилади.

Янги истиқболли майдонлар ажратилди

Сўнгги йилларда Минерал ресурслар институти ва Ерни масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари маркази томонидан Марказий Қизилқум, Нурота тоғларида, Чотқол-Қурама тоғларида майда ва ўрта масштабли тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу изланишлар натижасида космик суратларга ишлов беришнинг Ўзбекистон иқлим шароитларига мос усуллари аниқланди. Уларни таҳлил қилишда юқорида келтирилган ҳудудларнинг тарқалган чизиқли (линеаментлар), ҳалқасимон структуралар ҳамда тоғ жинсларининг геологик-таркибий мажмуалари схемалари тузилди. Бу схемалар геологик-геофизика ва геохимия маълумотлари билан бирга таҳлил қилиниб, дала шароитида яна бир бор текширилди ва мавжуд фойдали қазилмалар конлари жойлашган структуралар эталон сифатида қаралиб, янги истиқболли майдонлар ажратилди ва улар тасвирланган космогеологик ва космоструктуравий хариталар (дистанцион асослари) яратилди. Ҳар бир ҳудудда олиб борилган космогеологик тадқиқотлар натижалари ГАТ лойиҳалари сифатида шакллантирилди ҳамда дала геологик экспедицияларига татбиқ қилинди.

Тоғ жинслари ва минералларнинг спектрал электрон кутубхонаси

Ҳозирги кунда марказда Букантоғ тоғларининг марказий ва ғарбий қисмида 1:50000 масштабли космогеологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида Букантоғнинг тоғолди ва берк майдонларидаги структураларини аниқлаш ва хариталаш кўзда тутилган.

Бу йилдан "Тоғ жинслари ва минералларнинг миллий спектрал электрон кутубхонасини яратиш (Букантоғ тоғининг марказий қисми мисолида)" мавзусидаги лойиҳа илмий тадқиқот ишлари бошланди. Ташкил этилаётган кутубхонанинг амалиётда қўлланилиши натижасида замонавий технологиялар ва спектрал таҳлил усуллари ёрдамида масофадан зондлаш маълумотларига асосланган башоратларнинг самарадорлиги ва хариталарнинг аниқлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, космик суратларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш натижасида тузилган космогеологик хариталарда кўрсатилган истиқболли майдонлар бўлажак геология-қидирув ишлари учун асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга, улардан интерактив ҳолатда фойдаланиш ва уларни янги маълумотлар билан бойитиш имконияти бор. Бу эса геология-қидирув ишларига ажратиладиган вақтни ва молиявий маблағларни сезиларли даражада тежашга олиб келади.

AGROMART
деҳқону фермерга фойдали

Онлайн хизмат

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги бизнесини онлайн ривожлантириш тобора оммалашиб боряпти. Бу жараёнда деҳқон ва фермерларга "AgroMart" сингари онлайн веб-порталлар яқиндан ёрдам бермоқда.

Мазкур тизим Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада бевосита ёки билвосита фаолият юритаётган инсонларга кўмак бериш мақсадида яратилган биринчи агропортал ҳисобланади. У 2017 йилдан буён фойдаланувчиларга бепул онлайн хизматлар кўрсатиб келмоқда. Лойиҳага Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Ўзбекистондаги координатори офиси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва "John Deere" компанияси билан ҳамкорликда асос солинган.

Айни пайтда агропорталда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид энг сўнгги ва тезкор хабарларни ўқиб бориш, соҳа мутахассисларидан бепул маслаҳат олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг йирик электрон савдо майдончасида бепул эълон бериш, республика кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳафталик нарх-навоси билан танишиш каби хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Малакали мутахассислардан бепул маслаҳатлар

"AgroMart" — миллий ва халқаро тажрибага эга юқори малакали консультант ва экспертлар, иқтидорли IT-мутахассислар, ишига фидойи менежерлардан иборат лойиҳа гуруҳи бўлиб, унда аграр соҳанинг 13 та йўналиши бўйича 9 нафар мутахассис иш олиб боради. Уларнинг орасида германиялик эксперт ҳам бор. Фойдаланувчилар агрономия, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва ҳуқуқи ҳамда соҳага оид бошқа масалалардаги онлайн саволларига мутахассислардан тезкор ва тўлиқ жавоб олишлари мумкин.

— Айни пайтда маслаҳатчиларимизга келиб тушаётган саволларнинг аксарияти мавсумий агротехник тадбирлар билан боғлиқ, — деди лойиҳа менежери Ниғматжон Анваров. — Айниқса, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли баъзи экинларни совуқ уришининг олдини олиш, офатларни бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар бўйича мутахассисларимиз деҳқон ва фермерларга куну тун ўз маслаҳатларини бериб боряпти. Таҳлилларга кўра, порталда бир ойда ўртача 300 дан ортиқ онлайн маслаҳат бериляпти. Мутахассисларнинг тезкор маълумот ва тавсиялари ишни йўлга қўйишда қўл келяпти. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган инсонларнинг муаммоларини вақт ва маблағ сарфламасдан ҳал этишларига кўмаклашишдан иборат. "AgroMart" жамоаси 2020 йилда деҳқон ва фермерлар фаолиятини янада осонлаштирадиган қатор рақамли хизматларни жорий этишни мақсад қилган.

Онлайн порталнинг "Фойдали маълумотлар" бўлимида мутахассисларнинг илмий ишлари билан танишиш орқали ноёб амалий ва назарий билимларга эга бўлиш имконияти ҳам яратилган.

Agromart.uz — қулай ва самарали савдо майдончаси

"AgroMart" портали юртимизда қишлоқ хўжалиги бозорини шакллантириш, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда хомашёсини сотишга ҳам самарали ҳисса қўшиб келяпти. Бу ерда кичик ва йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун яратилган савдо майдончаси харидор ва ҳамкорлар билан ўзаро алоқа ўрнатишга ёрдам бермоқда.

Онлайн тизимдан фойдаланиш осон ва қулай. Унда рўйхатдан ўтган фойдаланувчи ўз маҳсулоти эълонини порталга бепул жойлаштиради. Эълон модератор томонидан тасдиқлангач, сайт (AgroMart.uz)нинг савдо майдончасида пайдо бўлади. Унга дизайнер махсус шаблон тайёрлайди. Шундан сўнг эълон "AgroMart"нинг @uzagromart телеграм тармоғи ва бошқа барча ижтимоий тармоқларида тарғиб қилинади. Бу орқали харидорлар маҳсулот эгаси билан тўғридан-тўғри боғланишлари мумкин.

Савдо майдончаси маҳаллий ва хорижлик мутахассислар томонидан кузатиб борилади. Айни пайтда порталдан қишлоқ хўжалигига тегишли барча турдаги маҳсулотлар — қишлоқ хўжалиги техникасидан тортиб, тайёр дала маҳсулотлари ҳамда тирик ҳайвонларгача топиш мумкин. Мутахассислар вилоятлар кесимидаги 60 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳафталик улгуржи нарх-наволарини мунтазам янгилаб боради.

Ҳозирги пандемия шароитида ҳам "AgroMart" лойиҳаси фаоллари деҳқон ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, малакали мутахассислар томонидан янада қўпроқ маълумотларни тақдим этиш, долзарб саволларга жавоб бериш, зарур ва фойдали билимларни улашиш мақсадида порталда онлайн вебинарлар сериясини ташкиллаштирган. Унда иштирокчилар етук мутахассислар, халқаро тажрибага эга экспертларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб мавзулардаги маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жонли мулоқот тарзида жавоб олмоқда.

ҲУЖЖАТЛАР МАХФИЙЛИКДАН ЧИҚАРИЛДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Архив

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рўй берган барча соҳалардаги ислоҳотлар, ўзгаришлар архив ишини ҳам тубдан яхшилади. Зеро, архивлар жамиятнинг ошкоралик рамзларидан бирига айланиб, унинг асосий мақсади ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдир.
Конституциямиз махфий маълумотларни ҳимоя қилади ва улар фақат махфийликдан чиқариш жараёни ўтганидан кейингина тарқатилиши мумкин.

— Ҳужжатларни махфийликдан чиқариш, уларга қўйилган "махфий" тамғасини олиб ташлаш ва улардан фойдаланишга қўйилган чекловларни бекор қилишни англатади,— дейди "Ўзархив" агентлиги ахборот хизмати раҳбари Анваржон Алиев. — Архив маълумотларини ошкор қилиш муаммолари энг мураккаб ва мунозарали масалалардан биридир. Чунки улар меъёрий ва услубий базанинг мавжудлигини назарда тутади, шунингдек, архивчилардан ташаббускорлик, касбий маҳорат ва интеллектуал қобилиятларини намойиш этишни талаб қилади.

Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрдаги фармонига кўра, Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда давлат архивларида сақланаётган тарихий давр (1917 йилгача) архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш бўйича чораларини кўриш белгиланган. Шу аснода Иккинчи жаҳон уруши даврига оид бўлган архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш ташаббуси киритилди.

Ўзбекистон Миллий архиви томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бугунги кунгача махфийлик режимида сақланган 1941-1945 йилларга оид архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш ишлари олиб борилди. Жумладан, 264 сақлов бирлигидаги архив ҳужжатлари (600 варақ), бир неча архив фондлари махфийликдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатларда, асосан, 1941-1945 йилларда уруш майдонларидаги аҳолини эвакуация қилиш жараёни, ишлаб чиқариш корхоналари, ҳарбий, илмий, маданий муассасалар, болалар уйлари, госпиталлар ва бошқа тоифадаги ташкилотларнинг республикамизга кўчириб келтирилиши, халқимизнинг уруш давридаги фронторти меҳнатлари ва юртимиздан фронтга жўнатилган қурол-аслаҳалар, озиқ-овқатлар, тўқимачилик маҳсулотлари тўғрисидаги ва бошқа кўплаб шу каби материаллар мавжуд.

Амалиёт шуни кўрсатадики, архивларда ҳужжатларнинг ўртача 30-35 фоизи махфий ҳисобланади, аммо бу тамға ҳужжат мазмунига эмас, балки ўша даврдаги партия иш юритиш қоидаларига биноан жойлаштирилган. Шунингдек, аксарият ҳолларда шахсий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатларни ишлатишда муайян қийинчиликлар юзага келади.

Тадқиқотчилар, тарихчилар, ўлкашунослар, ўқитувчилар, талабалар, шунингдек, манфаатдор муассасалар ва ташкилотларнинг "махфий" тамғаси босилган ҳужжатларга қизиқиши ниҳоятда катта. Шундай экан, ҳужжатларнинг махфийликдан чиқарилиши тадқиқотчилар сонининг кўпайишига ёрдам беради. Ўзбекистон, Ўрта Осиё тарихига қизиқиш ортади.

Иккинчи жаҳон урушига оид махфийликдан чиқарилган ҳужжатлардан пойтахтимизнинг Олмазор туманида янги бунёд этилаётган Ғалаба боғи ҳудудидаги "Шон-шараф" музейи экспонатларини яратишда кенг фойдаланилмоқда. Ғалаба боғи очилганида халқимиз бу ҳужжатлар билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин якунланганидан сўнг тадқиқотчилар, талабалар ва бошқа қизиқувчилар учун давлат архиви ўқув залида мазкур ҳужжатлар билан танишиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади.

"Ўзархив" агентлиги махфийликдан чиқарилган баъзи ҳужжатларни илк маротаба расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали кенг оммага тақдим этишни режалаштирган.

Хулоса шуки, илгари тадқиқотчилар фойдалана олмайдиган улкан архив мажмуаларига киришнинг очилиши тарихий манбаларни илмий асослашга имкон яратиши билан аҳамиятлидир.

“Каминага 1941 йилда, оғир уруш шароитида, Навоий ижодига бағишланган илмий анжуманда маъруза ўқишга тўғри келди. Анжуман бинонинг юқори қаватида бўлаётгани ва турли томондан немисларнинг бомбардимон ҳужумига қарамай, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади”

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам тўхтамаган



Гулноз ХАЛЛИЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори

Мустақиллик даври ўзбек адабиётини илмий-назарий жиҳатдан холис тадқиқ қилишга кенг йўл ва имкониятлар очиб берди. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослари янгидан-янги мавзуларга эътибор қаратмоқда, илмий-адабий тафаккурда эса кундан-кунга янгиланиш тамойиллари сезилмоқда. Бу ҳолат адабиётимизни ўрганган хориж адабиётшуносларининг изланишларида ҳам яққол кузатилади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг Россияда кенг тарқалиши ва ўрганилишида Санкт-Петербург шарқшунослигининг ўрни ва роли беқиёс. Айниқса, В.В. Радлов, П.М.Мелиоранский, К.Залеман, А.П.Фалев, Н.Остроумов, М.Ф.Гаврилов, А.Н.Самойлович, А.Н.Кононов, Е.Э.Бертельс, С.Н.Иванов, Л.Дмитриева каби олимларнинг илмий мероси фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кейинги маданий муносабат ҳамда тадқиқотлар учун замин ҳозирлади. Улар фаолият кўрсатган Россия ФАга қарашли Шарқ қўлёзмалари институтида (олдинги Осиё музейи, Шарқшунослик институти) ҳозирги кунда ҳам адабиётимиз ва тарихимизни ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мазкур институт фондида 2432 та туркий қўлёзма мавжуд бўлиб, шундан 953 таси ўзбек мумтоз адабиёти намунаси (девонлар, баёзлар, достонлар, мухаммаслар ва бошқалар) ҳисобланади. Бундан ташқари, институт таркибида шарқшунослар архиви бўлиб, унда мумтоз адабиётимиз, айниқса, Навоий ижодининг ўрганилиши бўйича жуда муҳим маълумотлар бор.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги шарқшунослар архивида Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга доир ҳужжатлар тўплами сақланмоқда. Унда 1938 йилдан тортиб, 1948 йилгача бўлган даврда рус навоийшунослигида режалаштирилган ва бажарилган ишларнинг ҳисоботи, фотосуратлар, баённомалар, қарорлар, эпистоляр манбалар, мақолалар жамланган. Материаллардан бирида рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс Навоий юбилейи муносабати билан шоирнинг бой адабий мероси ёритилган тўпламни чоп этиш, “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Мезон ул-авзон”нинг илмий-танқидий матнини тузиш, “Муҳокамат ул-луғатайн”ни рус тилига таржима қилиш ишлари деярли якунига етганини маълум қилади. Бошқа бир ҳужжатда таржимон Н.Ф.Лебедевнинг оғир қамал шароитига қарамасдан, ижоддан тўхтамагани, умрининг охирги дақиқасигача Навоий шеърларини таржима қилгани ҳақида ўқиймиз *(...даже в таких условиях научная жизнь Института востоковедения не замирала. Н.Ф.Лебедев до последнего не переставал переводить духовное наследие Алишера Навои).*

Ҳақиқатан ҳам, Навоийга бўлган эҳтиром рус олимларини янада фидойиликка чорлаган ва улар буюк бобомизнинг асарларини ўрганишда давом этган. Е.Э.Бертельс Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Навоий юбилейини кўнгилдагидек нишонлашга изн бермагани ҳақида: “Каминага 1941 йилда, оғир уруш шароитида, Навоий ижодига бағишланган илмий анжуманда маъруза ўқишга тўғри келди. Анжуман бинонинг юқори қаватида бўлаётгани ва турли томондан немисларнинг бомбардимон ҳужумига қарамай, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади”, деб ёзади. Ҳисоботларнинг бирида қамал шароитига қарамасдан, анча йўқотишлар билан тадбир ўтказилгани ҳақида хабар берилади.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1938 йил 8 октябрда Россия ФА Шарқшунослик институти директори, профессор А. П. Баранников юбилей қўмитаси раиси ўринбосари С. Хусаиновга хат жўнатади. Унда умумий дастурни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистондаги тадбирлар режасини юборишини сўрайди. 1938 йил 23 ноябрдаги жавоб хатида қўмита йиғилиши ўтказилгани, режа ишлаб чиқилгани ҳақида хабар берилади ҳамда баённома илова қилинади.

Йиғилиш баённомасига кўра, кун тартибига Навоий маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ 23 та масала қўйилган. Диққатимизни “Навоий асарлари ва шоир ҳақидаги асарлар нашри” деб номланган масалага ва унга илова қилинган нашр режасига қаратдик. Нашр режаси 35 қисмдан иборат бўлиб, унда шоир таваллудининг 500 йиллигига қадар “Хамса”, “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр”, “Муншаот”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Вақфия” каби асарларни, “Ҳабиб ус-сияр”, “Равзат ус-сафо”, Девони Фоний, Жомий шеърлари таржимасини, Навоий замондошларининг шоир ҳақидаги хотираларини, Навоий даври ҳақида тарихий очерк, халқ оғзаки ижодида Навоий, шоир асарлари изоҳли луғати, Навоий даврида то ҳозиргача бўлган ўзбек прозаси ва поэзияси хрестоматияси, Навоий афоризмлари, шоирнинг чет элда ва Ўзбекистонда мавжуд қўлёзма асарлари тавсифи, Навоий асарлари библиографияси ва бошқа нашрларни амалга ошириш белгиланган. Режа охирида Навоий асарлари академик нашрини амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Кўриниб турганидек, бу борада жуда катта ҳажмдаги тадбирлар режаси кўзда тутилган, нашрга масъул олимлар рўйхати ва бажариш муддати аниқ кўрсатилган. Масалан, олимлардан Иззат Султонга “Муншаот”ни, Мақсуд Шайхзода ва Холид Расуловга “Лисон ут-тайр”ни, Олим Шарофиддиновга “Мажолис ун-нафоис”ни, А.А.Семеновга библиографик кўрсаткичлар, тавсифларни, лингвистик қўмитага Навоий асарлари изоҳли луғатини, Ҳамид Олимжон бошлиқ бир гуруҳ олимларга хрестоматия нашрини юзага чиқариш топширилган эди.

Муҳими шундаки, бу режа орқали ўша давр навоийшунослигида кўзда тутилган ишлар, бугунги кунда улардан қанча фоизи амалга оширилгани ҳақида билиб олиш мумкин. Бу эса ХХ аср навоийшунослигининг тадрижи ва такомилини белгилашга имкон беради.

Режада кўрсатилган айрим нашрлар ўз муддатида эълон қилинади, уруш туфайли кўпчилиги кечиктирилган, баъзилари эса, умуман, нашр қилинмасдан қолиб кетади. Шоирнинг “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Вақфия” асарлари ҳамда “Навоий асарлари луғати” аслида 1939 йилнинг охиригача нашр қилиниши керак бўлгани ҳолда, анча кейин чоп этилган. Хуллас, 1938 йилда юбилей қўмитаси томонидан режалаштирилган нашрлардан ҳаммаси ҳам китобхон қўлига етиб бормаган.

Россия ФА Шарқшунослик институтида ҳам юбилей муносабати билан анча ишларни амалга ошириш белгиланган эди. Институт директори А.П.Баранниковнинг Юбилей қўмитасига йўллаган мактубида 40 босма табоқ атрофида илмий ва оммабоп нашрларни амалга ошириш режалаштирилаётгани хусусида хабар берилади. Бу хатга жавобни Ҳамид Олимжон йўллайди.

Е.Э.Бертельснинг қайд қилишича, Навоийнинг 500 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қарори улуғ мутафаккир ижодиётининг ўрганилишига янада кенг йўл очиб берган. Рус шарқшунослигида 1938-1939 йиллардан бошлаб Навоий меросига қизиқиш янада кучаяди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бир қанча рус шарқшунослари, жумладан, Е.Э.Бертельс ҳам вақтинча Тошкентга кўчиб келади. Бағрикенг халқимиз уларни меҳр билан қабул қилади, навоийшуносликдаги ҳамкорлик эса фанга янгидан-янги тадқиқотларни тухфа этади.

Навоийшуносликдаги адабий алоқалар ривожида Ойбекнинг алоҳида ўрни бўлганини қайд қилиш лозим. Адиб кўпгина рус олимлари билан ижодий ҳамкорлик қилган, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам берган. Е.Э.Бертельс унинг бу борадаги хизматларини алоҳида эътироф этган. *(“...многие стороны творчества Навои может быть, не были бы мне доступны, если бы я не общался с такими знатоками узбекской классической поэзии как Айбек и Гафур Гулям…”)* Россия давлат адабиёт ва санъат архивида Ойбекнинг рус олимлари билан илмий ёзишмаларидан ташқари, А.И.Дейч иккаласи ҳамкорликда ёзган “Навоий ва унинг даври” номли тадқиқоти сақланмоқда. Бу илмий очерк аслида 1942 йилда битилган бўлиб, 1968 йилдагина бошқа ном остида чоп этилган.

Умуман, Алишер Навоий ижодий меросини сақлаш, ўрганиш, таржима қилиш ва жаҳонга танилишида Санкт-Петербург шарқшуносларининг ҳиссаси катта бўлган. Албатта, ўзбек олимлари билан ҳамкорлик уларга маънавий дурдоналаримизнинг янги қирраларини очишда ёрдам берган. Россия архивларида юқорида таҳлил қилганимиз каби манбалар анчагина бўлиб, уларни тўлиқ ҳолда юзага чиқариш кенг кўламли илмий изланишларни тақозо қилади.

Миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятларга эътибор янада кучайтирилаётган ҳозирги даврда хориж туркийшуносларининг ўзбек мумтоз адабиётига доир тадқиқотларини ўрганиш ва холис баҳолаш адабиётшунослигимизни янги маълумотлар билан бойитиши баробарида, илмий жамоатчиликни айрим номаълум манбалар билан таништиришга имкон беради. Бундан ташқари, бу каби йўналишдаги илмий изланишлар халқаро адабий алоқалар ривожига ҳам хизмат қилади.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Теран олим, зукко адабиётшунос, хокисор, вазмин, олижаноб инсон, академик Матёқуб Қўшжонов номи тилга олинган даврада, албатта, жонланиш сезилади. Издиҳомда ҳозир қарийб ҳамма у кишининг бирор фазилати, ўзига ёки бошқа бировга қилган яхшилиги ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Не бахтки, камина ҳам мана шу танти инсоннинг шогирдларидан бири ўлароқ, унинг саховатидан, ўгитларидан баҳраманд бўлганман. Аслида Матёқуб домланинг ҳар бир қадами, сўзи, хатти-ҳаракати шогирдлар учун беқиёс намуна эди.

СЎЗИ ҲИКМАТ, ҚАДАМИ ИБРАТ ЭДИ

Академик Матёқуб Қўшжонов ҳақида ёруғ хотиралар

Бир куни Ўзбекистоннинг забардаст раҳбарларидан, иқтидорли адиб Шароф Рашидов устозни ҳузурига чорлайди. Ўша пайтлари домланинг “Истеъдод саховати” номли китоби чоп этилган, унда давлат арбобининг ижодига хос баъзи жиҳатлар ҳам қаламга олинган эди. Юрт раҳбари ва олимнинг суҳбати адабий жараён, Матёқуб Қўшжонов раҳбарлик қилаётган Тил ва адабиёт институти фаолияти ҳақида кечади. Мулоқотдан қаноат ҳосил қилган Шароф Рашидов “Биздан нима хизмат, тортинмай айтаверинг”, дейди.

Домла: “Ҳеч қандай хизмат йўқ, соғ-омон бўлсангиз, бас”, дейди камтарлик билан. Ваҳоланки, ўша кезлари устознинг қизи куёви билан ижарама-ижара сарсон юрган, бир оғиз илтимос билан ёш оила бошпанали бўлиши мумкин эди.

Шароф Рашидов “Муаллифнинг биринчи китоби” рукнида асари чоп этилган ёш шоир-ёзувчиларга давлат ҳисобидан уй-жойлар ажратганини устоз жуда яхши биларди. Кейинчалик уйидагилар: “Бир оғиз квартира масаласида сўз очсангиз, ҳал қилиб бериларди-ку”, деб гина қилганини ҳам эшитганим бор. Устознинг шу биргина хатти-ҳаракати чинакам олим тамадан йироқ бўлиши зарурлиги хусусида биз, шогирдлар учун ажойиб намуна бўлганди.

* * *

Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетининг охирги курсида ўқирдик. Бир куни Фанлар академиясининг А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) араб алифбосидаги туркий матнларни равон ўқийдиган талабаларни излаётганидан хабар топдик. Курсда марҳум дўстимиз Ҳабибулло Ўзганбоев билан иқтидорли олим Субутой Долимовдан эски ўзбек ёзувидан, аниқроғи, матншуносликдан сабоқ олар, Дурбек, Навоий, Бобур, Ҳамзанинг қўлёзма асарларини муқояса ва мутолаа қилиш, таҳлил этиш кундалик машғулотимиз эди. “Яхшилаб ўрганиб олинглар, мен ўтиб кетсам, қўлёзма китобларни ўқиш сирларини кимдан ўрганасизлар?” деб куюнарди устоз Субутой домла. У кишининг сабоқлари кейинчалик мураккаб хатда битилган асарларни ўқишимизда қўл келди.

Матёқуб Қўшжонов ўша пайтлари Тил ва адабиёт институтининг директори лавозимида ишларди. Матншунослик бўлимига ишга қабул қилинадиганлар орасида Ҳабибулло ва мен ҳам бор эдик. Ички имтиҳондан ўтгач, иккаламиз ишга жойлашиш учун ҳужжатларни тўплашга киришдик. Устозларимиздан бири, филология фанлари доктори Содир Эркинов матншунослик бўлимига мудирлик қиларди. У киши: “Матёқуб ака ишонч билдирдими, демак, сизларнинг иқтидорингиз бор”, деб бизни яхши қабул қилди.

Ўша кезлари шаҳар пропискасисиз ишга кириш мушкул эди. Боз устига, оиламиз билан ижарада турардик. Рўйхатга қўйдириш масаласида бошимиз қотиб юрган пайтлари қадрдонимиз Ганжа Ёқубов “Матёқуб ака бағрикенг, самимий инсон, албатта, ёрдам беради, бориб учрашгин”, деди. Ийманиб устознинг хонадонига бордим. Рафиқаси Раҳима опа (у киши тажрибали шифокор, ўз соҳасининг етук билимдони бўлибгина қолмай, адабиёт ва санъатни ҳам нозик ҳис этар, устознинг соғлиғини мунтазам назорат қилиб борарди) мени ичкарига бошлади. Домла навбатдаги илмий мақолалардан бирига материал йиғиш билан машғул эди. Салом-аликдан сўнг уй ҳужжатлари ва розилик хатини бериб, тезроқ рўйхатдан ўтишга кириш, деди. Кўп ўтмай, доимий пропискага ўтиб, биз ҳам устоз оиласининг аъзоларига айландик.

* * *

Илмий раҳбарим, марҳум навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов институтда ўтказиладиган навоийхонлик кечасида ғазал ўқишимни тайинлади. У кишининг топшириғини бажардим. Тадбир тугагач, ҳамкасбларим мени директор йўқлаётганини айтди. Каттакон кўзойнагини тақиб, қандайдир қоғозни кўзига яқин келтириб ўқишга қийналиб ўтирган устоз Қўшжонов ҳузурида ҳозир бўлдим.

— Яхши нутқинг бор экан, менга ёрдамлашмайсанми? — деди домла.

— Тайёрман, нима хизмат, домла? — дедим шоша-пиша.

— Эшитгандирсан, уруш асоратими, билмадим, кўзим хиралашган. Китоб, газета-журналларни ўқишга қийналяпман. Мен берадиган манбаларни ўқиб, магнитофонга туширсанг, девдим.

— Бажонидил, бу — менинг севимли машғулотим, — дедим.

Домла Ҳамза ва Садриддин Айнийнинг асарлар тўпламини стол устига қўйиб, “Чўчима, бу — ярми, ҳали яна бор”, деб мийиғида кулимсиради. “Чўчиганим ўқиладиган матн салмоғи учун эмас, балки уни ёздиргани аудиокассетага сарфлайдиган харажатингиз учун”, дедим. “Майли, бир иложи топилар”, деб қўйди домла.

Устознинг ёнида ҳамиша “Легенда” номли магнитофон бўларди. У ўзбек адабиёти намояндалари асарларининг аудиовариантини эшитиш ва шу асосда тадқиқот олиб бориш учун хизмат қиларди. Тўқсон дақиқалик кассеталарнинг сони юздан зиёд эди. Бир куни домладан: “Оладиган гонорарингиз кассеталарнинг пулини қоплайдими?” деб ҳазиломуз сўрадим. Устоз узоқ гапиришни, сўзамолликни ёқтирмасди. Қисқа қилиб, бундай дегани ҳамон ёдимда: “Тадқиқотлар фақат гонорар учун қилинмайди”. Бошқа ҳеч нарса демадим...

* * *

Кейинчалик домла мени ниҳоятда ўзига яқин тута бошлади. Фахр билан айтишим керакки, камина устознинг хос котибига айлангандим. Кассеталарни тушдан кейин келтириб берсам, устоз уни ерталабгача тинглаб, қоғозга катта ҳарфлар билан нималарнидир ёзиб, чизиб қўярди. Ерталаб соат тўққиздан фикрларни қоғозга туширишга шай бўлиб, боришимни кутарди. Домла айтиб турар, мен ёзардим. Устознинг иш услуби мени ҳайратлантирарди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача ижоддан, фикрлашдан тўхтамади ҳисоби. Ҳолбуки, уруш қатнашчисиман, фахрийман, деб юмушларни, ижодни йиғиштириб, кексалик гаштини суриб юриши мумкин эди. Бироқ у киши ўз ибораси билан айтганда “қаттичилиқни кўрган”, меҳнатдан ҳузур-ҳаловат топадиган инсонлардан эди. Домла баъзи кунлари бир соатга қолмай, ўн саҳифалик мақола ёзиши мумкин эди. Айрим кунлари эса жумла тузиш, фикрни ифодалашга қийналиб ўтирарди.

— Домла, илҳом келган пайтда ёзсак яхшимасми? — деб ҳазиллашардим.

— Йўқ, — дерди устоз. — Чинакам олим ҳар куни беш бет ёзиб туриши керак. Акс ҳолда, қўли қаламдан чиқиб кетади. Фикр равон бўлмаса-да, қоғоз қоралаб туришни канда қилмаслик зарур. Эртаси куни таҳрир қилиш мумкин.

* * *

Домла ўзига ва сўзига талабчан бўлиш билан бирга, шогирдларига ғамхўр ва меҳрибон ҳам эди. Шу ўринда пальто воқеаси ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўша кезлари Оқлон маҳалласида бир хоналик уйда ижарада турардик. Печкага ўт қаласак, эрталабгача совиб улгурарди. Уйда битта эшик бўлиб, тўғри кўчага олиб чиқарди. Мабодо, қалин қор ёғса, эрталаб эшикни очиш амри маҳол эди. Совуқнинг шиддати шу қадар эдики, қаҳратон қиш кунлари тўнғич фарзандимиз Алишернинг бурун катакларида муз қотарди. Қалинроқ, иссиқроқ кийимим бўлмагани сабабли ўзим ҳам сал шамоллаган эканман, шекилли, одатдагидек, беш-олти саҳифа ёзиб бўлганимиздан кейин домла менга юзланиб: “Шамоллабсан-да, ичкари уйда илмоққа илиб қўйилган пальтони ол. Кийиб юргин. Қиш ўтгандан кейин келтирасан”.

Эътироз билдирмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлагандим, “Қиш ўтгач, келтириб берарсан”, деб қўйди. Аёз тугагач, пальтони олиб бориб, миннатдорлик билдирай десам, “Қўявер, ҳали кўп қишларда эслаб юрасан”, деди. Шу-шу бўлди-ю, пальто хонадонимизда қолди. Отам ҳамқишлоқларимизга мақтаниб: “Ўғлимнинг устозининг пальтоси. Бу табаррук хирқа — қўшпайғамбар номин олган Муҳаммад Ёқубдан ёдгорлик”, деб умрининг охиригача кийиб юрди.

* * *

Устоз обдон ўйлаб, ҳар бир ишни пухта-пишиқ бажаришни хуш кўрарди. Шошилиб сўзлаган, шошилинч иш қилганни яхши кўрмасди. Шундай ҳолатда тошовузликлар шевасида “Шашилма, шашилма”, деб танбеҳ берарди. Айниқса, кенжа шогирдларидан Аминбой шу даккини эшитишга одатланиб қолганди. Бир куни биз, шогирдлар, Раҳима янга, ўғли Қудрат билан домланинг дала ҳовлисига борадиган бўлдик. Ошга керакли масаллиқларни олиб, иккита машинада йўлга чиқдик. Домла ўтирган машинани Қудрат бошқариб борарди. Ўғли сал тезликни оширган эди, домла сўз қотди:

— Биз шашаётганимиз йўқ, секинроқ ҳайда.

— Ота, яхши ҳайдашимни биласиз-ку, нимадан хавотир оласиз? — деди Қудрат.

— Яхши ҳайдашингга шубҳам йўқ. Лекин йўлда машина ҳайдашни энди ўрганган ёки маст-аласт бошқариб келаётган одамлар бўлиши мумкин. Шунинг учун ўйлаб ҳайдаганинг маъқул. Шашилиш — шайтоннинг иши.

Қудрат жимиб қолди ва тезликни пасайтирди.

* * *

Бир куни домла ўйчан ўтирган ҳолда деди: “Бошловчилик қилган киши нотиқликдан ҳам хабардор бўлиши керак. Вазиятга мос сўзни топиб айта билувчиларни бадиҳагўй, нотиқ, дейишади. Баъзи давраларда бошловчилик қилганингни кўриб айтяпман-да. Даврабоши ёши катта, ҳаётий тажрибага эга бўлса, гаплари ҳам самимий чиқади. Ҳамма ғояларни сўз, нутқ, нотиқлар орқали тарғиб-ташвиқ қилинган. Бизда ҳам сўз хосияти ва нутқнинг моҳиятини тўғри етказа оладиган нотиқлик мактаблари очилса, дуруст бўларди”. Сўнг хўрсиниб қўшиб қўйди: “Афсуски, кўпчилик минбарда қуён, ёзув столида арслон ёки аксинча. Минбарда ҳам, ёзув столида ҳам шердек бўлишга эришиш мумкин. Инсоннинг сўзлиги — ўзлиги учун кўзгу. “Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар”, деган нақл бежиз айтилмаган”.

Кейин билсам, домла шу лутфи билан нутқ маданиятининг ҳар иккала кўриниши — оғзаки ва ёзма нутқ қоидаларига амал қилгандагина, маҳоратга эришиш мумкинлигини таъкидлаган экан.

Ота-боболаримиз оддийгина кетмон ва белкурак билан канал қазиган, бир мақсад йўлида бирлашиб, туну кун меҳнат қилган. Миллатимизнинг мана шу кучи ва ғайратини бутун оламга намойиш қилгим келди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 9 май, 79-сон

Хотира — абадий, қадр — муқаддас

БИР УМР ЕЧИЛМАГАН БЕЛБОҒ

ёхуд "Илҳақ" кечган жонлар, суронли йиллар...

Уруш деб аталмиш жаҳаннам ҳеч қачон инсониятга яхшилик олиб келмаган. Ҳеч кимни ғолиб сифатида шарафламаган. Маълумки, бугун мамлакатимизнинг қатор телеканалларида премьераси бўлиб ўтиши режалаштирилган "Илҳақ" картинаси Иккинчи жаҳон урушидаги буюк Ғалабанинг 75 йиллигига муносиб туҳфа бўлди. Фильм реал воқеалар асосида суратга олинган ва машъум уруш пайтида Тошкент вилоятининг Хонобод қишлоғилик бешта ўғлидан айрилган Зулфия Зокированинг тақдири ҳақида ҳикоя қилади.



Таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир Аҳмедов билан суҳбатимиз Ўзбекистонда биринчи марта Иккинчи жаҳон уруши талатўпларида ва суронли йиллари, катта масштабдаги жанг саҳналари асосида суратга олинган фильм теварагида кечди.

— Кейинги йилларда халқимиз эътирофидаги тарихий фильмлар сони кўпайди. "Илҳақ" фильми тарихий мавзудаги изланишларингиз давоми сифатида эътиборимизни тортди. Аввало, фильмни суратга олиш ишлари якунланганлиги билан табриклаймиз. Қолаверса, ушбу мавзуга қўл уриш ижодкордан жуда катта масъулиятни талаб қилади...

— Мураккаб даврларга мурожаат қилиш, албатта, ижодкордан катта масъулиятни талаб қилади. Ўша пайтдаги сиёсий жараёнларнинг ўзи катта бир мавзу. Бадиий ижоднинг эътибори эса ҳамиша инсон тақдирига қаратилади. Жуда кўп ўринларда, хоҳлайсизми-йўқми, уруш ваҳимаси фильмда энг олдинги ўринга чиқиб қолиши мумкин. Ахир ўша пайтдаги фожиаларни кўрсатиб бериш осон эмас. Дунёнинг чархпалагини тескари тебрата бошлаган ўша талатўпда халқимизнинг ҳаёти қандай кечган? Мард ва жасур оталаримизни, паҳлавон йигитларимизни кузатиб, фронт ортида бор ташвишни бўйнига олган меҳнаткаш ва жафокаш оналаримиз тақдири қандай эврилишларга дуч келган?

Менинг бахтим шундаки, беш қаҳрамон жангчининг онаси Зулфия ая истиқомат қилган маҳаллада вояга етдим. Ая номидаги мактабда ўқидим, у кишининг келинларидан бири менга сабоқ берган. Боболаримдан, бувиларимдан Зулфия аянинг бошига тушган ишларни, воқеаларни сўраб-суриштириб катта бўлганман. Анча йиллар олдин айни мавзуда фильм ишламоқчи бўлиб, бир нарсалар қоралаганман ҳам... Афсуски, ўша пайтларда ёш режиссёрларга тарихий мавзуда ижод қилиш учун имкониятлар етарли бўлмаган. Шундай бўлса-да, мен ўз орзуимдан воз кечмаганман. Архивлардаги Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ маълумотларни ўрганишдан сира чарчамадим. Биласизми, Ўзбекистон мудофаанинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлаган. Чунончи, уруш йилларида аҳоли томонидан мудофаа жамғармасига катта миқдорда нақд пул, заём, олтин ва кумушлар топширилган. Армияга жангчилар учун уст-бош ва турли маҳсулотлар жўнатилган. Фронт газлама, ўқ-дори, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тинимсиз таъминлаб турилган. Республиканинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва туманидан юртдошларимиз жангчиларга ёрдам қўлларини чўзадилар. Ўша пайтда қамалда қолган Ленинград шаҳри учун ўнлаб вагонларда инсонпарварлик ёрдами жўнатилади. Буларнинг ҳисобини келтираман десангиз, ҳайратингиз ошиб бораверади. Ахир ўша пайтда фронт ортида меҳнат қилишнинг ўзи бўлмаган. Қанчадан-қанча одамлар очлик ва касалликдан силласи қуриб, вафот этган-ку... Минглаб аёл бева, болалар эса етим бўлиб қолди. Ота-оналар фарзанд доғида қайғу-алам билан бу дунёдан кўз юмдилар. Зулфия ая ҳам ўша пайтларда уйидаги бор дон-дунини фронт учун олиб чиқиб беради. Соғин сигирини эса аҳолига наф келтириши учун қишлоқ кенгаши раисидан сўраб олиб қолади. Буларнинг барчасидан бугунги ёшларимиз бохабар бўлишлари керак. 75 йилдан бери ҳар йили 9 майда фашизм устидан қозонилган ғалаба учун қувонамиз, Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаймиз. Лекин мана шу ғалаба ортида халқимиз нималари қурбон берганини фарзандларимиз ҳис қила олиши, ҳар қандай мушкул вазиятда бирлашиб енга олиш жуда катта куч эканини англаши лозим.

— Фильмда акс этган "белбоғ боғлаш" маросими саҳнаси... Зулфия ая келинларига урушда ҳалок бўлган ўғилларини кутмасдан, турмуш қуришлари мумкинлигини айтганида, биз ҳамиша сизнинг ёнингиздамиз, дея келинлар белларига белбоғ боғлаб, ўз уйларини тарк этмайди. Бу сизнинг топилмангизми? Ёки...

— Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз билан боғлиқ ҳар қандай деталь мен учун қадрли. Болалигимдан бери тўй-маъракаларда боғланадиган белбоққа ўзгача қизиқиш билан қараганим учун ёши улуғ боболаримиз ва момоларимиздан кўп суриштирганман. Тошкент вилоятида эридан ёш бева қолган аёлларнинг белига турмуш ўртоғининг белбоғини боғлаб қўйишади. Кўнгил сўраб келувчилар бевага таъзия билдиради. Яна бир маълумотга кўра, аёлга уйланиш талабида бўлган эркаклар унга белбоғи белидан тушганидан сўнг оғиз солган. Яъни унинг белбоғни ечгани —"мен аза тутиб бўлдим", деган маънони билдирган. Ана шу изланишларим асосида фильмга "белбоғ боғлаш" саҳнасини қўшдим. Зулфия ая фильмнинг бошидан-охиригача эрининг белбоғини белидан сира туширмайди ва бу билан қайта турмушга чиқмаслигини билдирган. Шунингдек, айни пайтда унутилиб бораётган бошқа удум ва анъаналаримизни ҳам фильмга киритишга ҳаракат қилдик.

— "Илҳақ" фильми қайси актёр ва актрисалар учун ўзига хос синов майдони вазифасини ўтади? Зулфия ая образи учун танлов ишлари қандай кечди?

— Чиндан ҳам бош роль ижрочиларининг ҳар бири устида жиддий бош қотирдик. Одатда актёрларни танлаш борасида бир тўхтамга келишимиз учун 20 кун муддат берилади. Бизнинг синовимиз эса 3 ойга чўзилиб кетди. Зулфия ая образи синовига Ўзбекистон халқ артисти унвонига эга бўлган 8 нафар устоз санъаткорни таклиф қилдик. Анча тортишув ва мунозаралардан кейин актриса Дилором Каримовани тасдиқладик.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратишни истар эдим. Томошабин ўрганиб қолган бир хил ижодий жамоадан, доимий киноюлдузлардан воз кечишга ҳаракат қилдим. Жараёнга деярли 85-90 фоиз янги ижодкорларни жалб қилдим. Янги бир ҳарорат, янги бир нигоҳ томошабинларимизга кутилмаган ҳайратларни бахш этишини истадим.

Актёрлар Илҳом Содиқов, Искандар Элмуродов, Фотиҳ Насимов, Ҳусан Рашидов, Бунёд Раҳматуллаев бош роллар учун танлаб олинди.

— Суратга олиш жараёнида танишган актёр ва актриса турмуш қураётгани ҳақида эшитиб қолдик.

— Ҳа, "Илҳақ" фильми янги бир оила қурилишига сабабчи бўлди. Зулфия аянинг учинчи ўғли — Муҳаммаджон Холматов образини ижро этган Ҳусан Рашидов ва учинчи келин образини ижро этган Хуршида Соатовани киносиновлар майдонида танидим. Ҳусан асли режиссёрлик бўлимини тугатганини, Хуршида эса Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупованинг набираси эканини ҳам кечроқ билдим. Суратга олиш ишлари бошлангач, айнан мана шу жуфтлик мени қийнай бошлади. Хуршида жуда уятчан ва тортинчоқ қиз экан. Ҳатто уларнинг ижроси боис, суратга олиш ишлари вақтинча тўхтатилган пайтлар ҳам бўлди. Бироқ вақт ўтиши билан ўз ролларига киришиб кетди. Уларга бахт тилайман. "Илҳақ" фильмида яралган муҳаббатлари боқий бўлсин.

— Ижтимоий тармоқдаги саҳифангизда фильмнинг мураккаб жанг саҳналари Беларусда суратга олингани ҳақида ёзгансиз. Фильмда беларуслик йигирмага яқин киноактёр ҳам суратга тушган экан. Улар билан ишлаш қийин бўлмадими?

— Бу саволингизга жавоб беришдан олдин фильмимиз воқеалари 1939-1962 йиллар оралиғида кечишини айтиб ўтмоқчиман. Нима учун фильмга Катта Фарғона канали қурилиши саҳнасини киритишга қарор қилдим? Чунки бу улкан қурилишда ҳам халқимизнинг асл матонати ва иродаси кўзга ташланган. Ота-боболаримиз оддийгина кетмон ва белкурак билан канал қазиган, бир мақсад йўлида бирлашиб, туну кун меҳнат қилган. Миллатимизнинг мана шу кучи ва ғайратини бутун оламга намойиш қилгим келди. Бу улкан қурилиш майдонида Зулфия аянинг ўғилларидан бири Муҳаммаджон иштирок этади.

Беларусда суратга олинган лавҳалар ҳақида айтадиган бўлсам... Зулфия аянинг беш ўғли: Исоқжон Холматов, Аҳмаджон, Муҳаммаджон, Ваҳобжон ва Юсуфжон урушдан қайтмаган. Бирин-кетин ҳамма ўғиллардан қорахат келади. Зулфия ая, айниқса, кенжаси Юсуфжон учун қаттиқ куюниб ўтган экан. Чунки фақатгина Юсуфжон ҳали уйланмаган, ундан зурриёт қолмаган эди. Қишлоқдошларидан кимнингдир боласидан қорахат келса, "Сенинг битта боланг ўлди, қаддингни тут, ана Зулфия беш паҳлавонидан айрилиб ҳам сабр қиляпти", деб бир-бирларига таскин беришган. Кейинчалик Зулфия аянинг ўғилларидан фақат иккитаси ҳақида маълумот чиқади. Муҳаммаджон Холматовдан келган, йўқолган қорахат топилиб, у 1945 йил 24 февраль куни Польшанинг Вембрандава районида ҳалок бўлгани ва ўша ерга дафн қилингани, кенжа ўғил Юсуф Холматов эса танкчилар командири бўлгани, Ленинград қамалини ёриб ўтиш учун бўлган жангларнинг бирида танки ёниб кетиб, оғир яралангани, госпиталда вафот этгани маълум бўлади. Юсуф Холматов Пискарев қабристонига дафн этилган экан. Ушбу аянчли воқеалар ва жанг саҳналари "Беларусфильм" билан ҳамкорликда суратга олинди. Зулфия аянинг ўғиллари қаерларда жанг қилганини суриштириб, ўша жойларга бориб, съёмка қилдик. Беш ўғилнинг ҳар бири қандай жасорат ва матонат билан жанг қилганини кенг қамровли ва катта масштабдаги жанг саҳналари орқали намойиш қиламиз. Томошабинларимиз бу саҳналарни кўзда ёш ва ҳайрат билан томоша қилса, ажаб эмас.

Фильмни суратга олишда беларуслик 40 нафарга яқин киноактёр, рассом, каскадёр, гримёр ва оператор иштирок этди. Улар орасида Геннадий Чуриков, Дмитрий Машко, Виктор Богушевич, Лолита Таборко, Алла Поплавская каби таниқли актёр ва актрисалар бор. Шуни фахр билан таъкидлаб ўтишни истардимки, Беларусда ўзбек аскарлари кўрсатган қаҳрамонликлари билан жуда машҳур экан. Ҳаттоки ўзбек аскарларининг исм-фамилияси билан номланган қишлоқлар бор. Шунинг учун бизнинг миллатимизни жуда ҳурмат қилишар экан. Суратга олиш жараёнида ҳам актёрлар ва маҳаллий аҳоли бизга бажону дил ёрдам берди.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.

Тарихнинг нотантилиги шундаки, инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қирғинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг бегуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Ҳар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб кулфатлар, азоб-уқубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишиларнинг, норасидаларнинг ёстиғи қуриди. Афсуски, бу қурбонлар халқ хотирасида умумий бир тарзда қоладилар, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш каттаю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нима учун шундай? Нима учун биз ўша қурбонларнинг ҳар биттаси ҳақида қайғурмаймиз? Улар ичида Ватан, миллат тақдирини ҳал қилишга қодир буюк истеъдодлар, улуғ саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз? Бунинг мутлақо иложи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати ҳам шунда.

Чингиз АЙТМАТОВ

Эътибор СУЛТАНОВА,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Инсон у ҳамиша ўз ҳаётида ёрқин из қолдирган лаҳзаларни, умр йўлларига ибрат нурини сочган инсонларни хотирлайди. Бу жараённи руҳиятимизга куч-қувват бахш этадиган маънавий булоққа тенглаштиргим келади. Қолаверса, биз тарих саҳифаларида ўз жасорати ва матонати билан из қолдирган катта бир авлоднинг издошларимиз. Иккинчи жаҳон уруши қанча-қанча давлатлар ва халқлар бошига кулфатлар ёғдирди. Бу бешафқат уруш миллионлаб бегуноҳ инсонларни ҳаётдан бевақт олиб кетди.

ХОТИРА ЧИРОҒИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЧМАСИН!

Уруш даврида бизнинг мард ва олижаноб Ўзбекистон халқи ғалабага улкан ҳисса қўшганини жуда яхши биламиз. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев суҳбатларнинг бирида: "Ўзбекистон фашистлар Германиясини яксон қилишда мардонавор курашган, ўз меҳри, саховати билан барчага ибрат бўлган", дея бежиз таъкидламаган.

Ватан озодлиги учун ушбу даҳшатли урушда қатнашиб, душман устидан қозонилган ғалабага ўз ҳиссасини қўшган яна бир ўзбек ўғлони менинг отам — фахрим Сиддиқхўжа Муҳитдинов бўлади. Отамиз 26 ёшида урушга укалари Маъруфжон билан бирга кетган (афсуски, амаким жангларда бедарак йўқолган).

Отам Ленинград фронтининг 38-махсус ўқчилар батальонида оддий аскар сифатида қатнашиб, 1942 йили яраланган. Саратов шаҳридаги ҳарбий госпиталда қўл ва оёғи ишламагани сабабли ампутация қилинишига рози бўлмай: "Онам бағрига бундай ҳолатда бора олмайман", дея рад этган. Тўрт ойдан сўнг госпиталдан уйга демобилизация қилинган.

Урушдан қайтгач, қийин бўлса ҳам беш йил ҳассага таяниб, Тошкент тўқимачилик институтида бошлаган ўқишини битирди. Кейин колхозчи, колхоз раиси ўринбосари, пахта заводида смена бошлиғи, Янгийўлда мактаб директори, Тўқимачилик саноати вазирлигида масъул ходим ва 1949 йилдан то пенсияга чиққунча, республика давлат назорат тизимида меҳнат қилди.

Отамиз қаерда ишламасин, ҳамиша бор билим ва тажрибаларини аямас эди, шунинг учун урушда кўрсатган жасорати ҳамда меҳнат фаолияти давридаги хизматлари учун давлат томонидан эътиборга олиниб, қатор орден, медаль ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Отам ҳамиша: "Ҳар нарсага чидаш мумкин, фақат уруш бўлмасин, мен уни кўрдим, сизлар кўрманг", деб айтарди. У фарзандларини ватанпарвар, тўғрисўз бўлишга ўргатди. "Бошингга қилич келса ҳам, тўғри гапир, ҳеч қачон бўлинманг, бўлинганни бўри ер, қачон бирга бўлсангиз, ҳеч ким сизларни енга олмайди. Урушда нимага ғалаба қилдик, чунки барча халқлар, миллатидан қатъи назар, бирлашган эдик, ҳатто майизни ҳам бўлиб ердик. Бугун эса шу тинч ҳаётни асрашимиз керак. Қийинчиликдан ҳеч қачон қўрқиш керак эмас, уни енгиш керак. Ўшанда бошқаларга ҳам фойдангиз тегади, ўзингизни ҳурмат қила оласиз. Бу энг керакли фазилат", дея кўп бор таъкидлар эди.

Отамиз оилада ҳамиша ибрат тимсоли бўлган. Умр йўлдоши Каримахон ойижонимиз билан беш фарзандга таълим ва тарбия берди. Эътиборли томони шундаки, отам ҳаёт тажрибаси давомида яхши педагог ва психолог бўлгани учун барча фарзандларига қайси йўналишда касб танлашини олдиндан, ёшлигиданоқ айтиб берган. Ҳақиқатан, барчамиз ўз ишига фидойи касб эгаси бўлдик: катта фарзанд Яшнар акам — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, Каромат опам — тиббиёт фанлари номзоди, мен айни пайтда сиёсий фанлари доктори, профессорман. Укаларим Саттор ва Акобир техника фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлган.

Ҳар йили 9 май куни барча фарзандлар отам ва онамни зиёрат қилгани хонадонимизда тўпланар эдик. Бир дастурхон атрофида ўтириб, суҳбатлашган кезларимизда отамнинг юз-кўзлари ёришиб кетарди. Беихтиёр Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ хотираларини эсга олар экан, не-не сафдошлари айни ёруғ кунларимиз учун жон фидо қилганлигини айтиб, кўзига ёш олар эди.

Отам вафот этганида шуни англадимки, ўз Ватани, келажак авлод учун муносиб хизмат кўрсата олган инсонлар ҳеч қачон ўлмас экан. Биз, фарзандлар қай бир ишга енг шимариб киришмайлик, отамнинг сўзлари қалбимизда жаранглайди. Бизни эл-юрт равнақи учун янада кўпроқ меҳнат қилишга, масъулиятли бўлишга ундайди. Ҳар гал Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўяр эканман, она Ўзбекистоним нафақат қаҳрамон фарзандларини, балки дом-дараксиз кетган жигарбандлари учун ҳам нола чекаётганини ҳис қиламан. Урушдан қайтган-қайтмаган инсонлар ҳаққи, биз, фарзандлар ўзимизга юклатилган энг улуғ вазифани унутмайлик! Улар учун ҳам бугунги кунимизнинг қадрига етайлик, ўз меҳнатимиз ва изланишларимиз билан юртимизга муносиб фарзанд бўлайлик. Хотира чироғи ҳеч қачон ўчмасин, илоҳим!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1254.
42644 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:45 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15